

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ

МУМИНОВА НАРГИЗА МАХСУДЖОНОВНА

**ТЎҚИМАЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ САВДОСИДА ТАЛАБНИ
ШАКЛЛАНТИРИШ ВА СОТИШНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ
ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.11–Маркетинг

**ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2017 йил

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on economical
sciences**

Муминова Наргиза Махсуджоновна

Тўқимачилик маҳсулотлари савдосида талабни шакллантириш ва сотишни
рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш..... 3

Муминова Наргиза Махсуджоновна

Совершенствования системы формирования спроса и стимулирования сбыта
в торговле текстильной продукции..... 23

Muminova Nargiza Makhsudjonovna

Improving the system of formulating demand and promoting sales in the textile
products trade..... 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 47

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ

МУМИНОВА НАРГИЗА МАХСУДЖОНОВНА

**ТЎҚИМАЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ САВДОСИДА ТАЛАБНИ
ШАКЛЛАНТИРИШ ВА СОТИШНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ
ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.11–Маркетинг

**ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2017 йил

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В.2017.1.PhD/Iqt.3 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус,) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.bfa.uz) ва «ZiyoNet» таълим ахборот тармоғида (www.zivonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Хашимов Ақром Абдиевич**
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Болтабаев Махмуд Рустамович**
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Эргашходжаева Шахноза Джасуровна
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: **Тошкент молия институти**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.I.16.01 рақамли илмий кенгашнинг 20__йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил:100000, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-уй, e-mail: info@bfa.uz.

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-уй. Тел.:0(371) 237-54-01.

Диссертация автореферати 2017 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2017 йил «__» _____ даги __ - рақамли реестр баённомаси).

А.Ш.Бекмуродов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

У.В.Гафуров
Илмий даражалар берувчи илмий Кенгаш котиби, и.ф.д., доцент

Н.Х.Хайдаров
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси и.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда глобаллашув ва диверсификация жарёнлари кучайиб бораётган шароитда тайёр ва ярим тайёр тўқимачилик маҳсулотлари экспортининг стратегик ва иқтисодий ресурс сифатида аҳамияти ортиб бормоқда. Умуман олганда, тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш, хусусан пахта толасидан тайёрланган ип калаванинг жаҳон бозоридаги экспорти динамикаси ижобий тенденцияга эга. Сўнгги йилларда ушбу соҳада мамлакатларнинг жаҳон бозоридаги экспорти улуши ошиб бориб хусусан, «Хитой 24 фоизни, АҚШ 19 фоизни, Ҳиндистон 13 фоизни, Покистон 8 фоизни, Ўзбекистон 5 фоизни, Африка мамлакатлари 5 фоизни, Туркия 4 фоизни, Бразилия 4 фоизни, Австралия 3 фоизни, Греция 2 фоизни ташкил этмоқда»¹.

Ўзбекистон Республикасида мустақиллик йилларида етиштирилаётган хом ашёни кенг миқёсда қайта ишлаш асосида халқаро сифат мезонларига тўлиқ мос келадиган, сотишга мўлжалланган экспортбоп тайёр маҳсулотлар ҳажмини ошириш борасида катта ишлар амалга оширилди. Айниқса, республика қишлоқ хўжалигининг асосий хом ашёси ҳисобланган пахтадан кенг турдаги тўқимачилик маҳсулотлари тайёрлаш ва улар савдосини ривожлантиришга жиддий эътибор қаратилмоқда. «Мухтасар айтганда, ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг бутун жараёнини – хом-ашёни чуқур қайта ишлашдан токи уни тайёр маҳсулотга айлантиришгача бўлган йўлини – циклини, сарфланган харажатларнинг мақсадга мувофиқлиги ва нечоғли ўзини қоплашини асослаб берган ҳолда, прогноз қилишни таъминлаш даркор»². Жумладан, тўқимачилик ва енгил саноатнинг 2014-2020 йиллардаги ривожланишининг мақсадли прогноз кўрсаткичларига мувофиқ, мазкур саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 2020 йилга қадар 6,9 трлн. сўмни ташкил этиши, бунда ип калава ишлаб чиқариш ҳажми 2,5 баробарга, газлама ишлаб чиқариш ҳажми 2,8 баробарга, шойи газлама ишлаб чиқариш ҳажми 2,7 баробарга, нотўқима матолар ишлаб чиқариш ҳажми 1,5 баробарга, трикотаж матолар ишлаб чиқариш ҳажми эса 2,7 баробарга ортиши белгиланганлиги юқори аҳамиятга моликдир³.

Бугунги кунда жаҳонда тўқимачилик маҳсулотлари савдосида маркетинг тадқиқотларини олиб бориш, маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш, рақобат муҳитини баҳолаш, тўқимачилик маҳсулотларини сотишнинг мақбул тизимини шакллантириш, халқаро маркетинг концепциясини ишлаб чиқиш, тўқимачилик маҳсулотлари савдосини ривожлантиришда халқаро маркетинг самарадорлигини ошириш, жумладан, тўқимачилик маҳсулотларига талабни шакллантириш ҳамда уларни сотишни рағбатлантириш тизимини

¹ <http://www.trustedclothes.com>

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 2015 йилнинг асосий яқунлари ва 2016 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. «Халқ сўзи», 2016 йил 17 январь.

³ www.engilsanoat.uz расмий сайти маълумотлари.

такомиллаштириш бўйича комплекс тадқиқотлар олиб бориш муҳим аҳмиятга эгадир. Мазкур ҳолатлар танланган тадқиқот мавзуси доирасида мақсадли йўналишларни белгилаб берди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 декабрдаги «2017-2019 йилларда тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги ПҚ-2687-сонли қарори¹, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси², 2011 йил 7 апрелдаги Ўзбекистон Республикаси ва Европа иттифоқи ўртасидаги шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги Битим «Тўқимачилик баённомаси»³ ва бошқа меъърий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ҳамда маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ ИТД-2 «Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш, фуқаролик жамиятини шакллантириш, миллий иқтисодиётни модернизациялаш ва эркинлаштиришнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш» лойиҳаси доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ушбу мавзунини тадқиқ этиш борасида таниқли хорижий ва ватанимиз олим ҳамда мутахассисларининг маркетингни назарий ва методологик асослари, шунингдек, классик, халқаро ва минтақавий маркетинг муаммоларига бағишланган илмий асарлари мавжуд. Маҳсулотлар савдосини рағбатлантиришда маркетинг механизмларини ташкил этишга оид бир қатор назарий ва амалий жиҳатлари хорижлик иқтисодчи олимлардан П.Диксон, Г.Бребах, Ф.Котлер, Ж.Ламбен, Ж.Ландвери, Ж.Леви, Д.Линдон, М.Мескон, М.Алберт, Ф.Хедоури, россиялик иқтисодчилардан, Г.Астратова, Л.Бағиев, Н.Моисеева, П.Завьялов, В.Еремин, Е.Кнышова, Н.Коменева, А.Матганцев, В.Маркова, Т.Маслова, С.Божук, Л.Ковалик, В.Морозов, Р.Ноздрёва, Г.Крылова, М.Соколова, Е.Пешкова, Б.Соловьёв, О.Третьяк кабиларнинг илмий ишларида таҳлил қилинган.

Шунингдек, бу борадаги мавжуд муаммоларнинг айрим жиҳатлари ва ечимлари республикамиз иқтисодчи олимлари Р.Абдуллаев, З.Адылова, Д.Ахмедов, А.Бекмуродов, М.Болтабоев, Ж.Жалолов, И.Хотамов, Т.Ақромов, Д.Муҳитдинов, А.Солиев, М.Қосимова кабиларнинг илмий ишланмаларида ўз аксини топган.

Хусусан, Ўзбекистонда пахтачилик тармоғининг ривожланиш босқичлари, пахта толаси ва тайёр маҳсулотлари экспорт салоҳияти, халқаро

¹ «Халқ сўзи» газетаси, 2016 йил 22 декабрь.

² 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси.-Т.: «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2017 йил 13 февраль, 6-сон.

³ <http://mfa.uz/uz/press/news/2017/07/11522/>

бозорлардаги ўрни ва аҳамияти Д.Ахмедов, Р.Абдуллаев, М.Болтабаев, З.Адилова каби иқтисодчи олимларнинг илмий ишларида ўз аксини топган. Жумладан, Д.Ахмедовнинг ишларида пахта толасини Ўзбекистонда ишлаб чиқаришнинг макро ва микроиқтисодий муаммолари, Р.Абдуллаев илмий изланишларида эса пахта толаси бозори инфратузилмасини шакллантириш ва экспортини кенгайтиришнинг асосий йўналишлари белгилаб берилган. М.Болтабаев тадқиқот ишида тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш жараёнлари миллий маркетинг концепциясига биноан бошқариш масалалари чуқур таҳлил этилган бўлса, З.Адилованинг илмий тадқиқотларида маҳсулотларнинг жаҳон бозоридаги ўрни ва аҳамиятини халқаро маркетинг концепцияси ва стратегиясини ишлаб чиқиш орқали соҳада мавжуд муаммоларни бартараф этиш йўллари баён этган. Юқорида келтирилган тадқиқотларда баён этилган масалалар анча теран ишлаб чиқилган бўлсада, лекин, экспорт ва халқаро маркетингнинг услубий жиҳатлари ва унинг талабни шакллантириш ва сотишни рағбатлантириш тизимини такомиллаштиришда, истеъмол салоҳиятини баҳолаш методологияси, тўқимачилик маҳсулотлари экспортини мақсадли бозорларга йўналтиришда замонавий стратегияларидан самарали фойдаланиш жараёнларининг методологик жиҳатлари етарли даражада ўрганилмаган.

Тадқиқотлар кўрсатишича, тўқимачилик маҳсулотлари савдосини, экспорт маркетинг концепцияси асосида талабни шакллантириш ва сотишни рағбатлантириш масалалари принципал жиҳатдан янги бўлиб, таклиф этилаётган ёндашувларнинг самарадорлиги асослари ифодаланган. Шунингдек, мазкур илмий ишнинг диққатга сазовор яна бир жиҳати, унда маркетингнинг миллий ва халқаро бозорларга нисбатан берилган тушунчалари қиёсланиб, замонавий тамойилларга асосланган услубий ёндашувлар таклиф этилган. Бу ёндошувлар жаҳон бозорида рақобатнинг тобора кучайиши шароитида янги мазмун касб этмоқда, таклиф этилаётган назариялар эса кўпгина тортишувларга сабаб бўлмоқда.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур диссертация мавзуси Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг тадқиқот ишлари режасига киритилган ҳамда 2012-2016 йилларга мўлжалланган Ф-1-12-«Маркетинг стратегиясини ривожланиши асосида тўқимачилик маҳсулотларини рақобатбардошлигини оширишнинг назарий ва услубий асослари» мавзусидаги фундаментал илмий давлат лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади тўқимачилик маҳсулотлари савдосида талабни шакллантириш ва сотишни рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш ҳамда мақсадли бозор сегментларига йўналтиришнинг халқаро маркетинг стратегияларини белгилаш юзасидан илмий, услубий ва амалий таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари. Диссертациянинг мақсадидан келиб чиқиб, унда қуйидаги вазифалар белгиланган:

иқтисодий ривожлантиришда тўқимачилик маҳсулотлари савдосини самарали ташкил этишнинг иқтисодий аҳамиятини асослаб бериш;

жаҳон тўқимачилик бозорини ўрганиш, қиёсий таҳлилни амалга ошириш ва экспорт рейтингини ишлаб чиқиш;

тўқимачилик маҳсулотлари бозорида халқаро маркетинг коммуникациялари самарадорлигини аниқлаш ва сотишни рағбатлантириш моделларни ишлаб чиқиш;

тўқимачилик маҳсулотлари савдосида талабни шакллантириш ва сотишни рағбатлантириш тизимини ривожлантиришнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш;

миллий тўқимачилик корхоналарининг экспорт салоҳиятини ошириш ва халқаро бозорларга самарали йўналтириш замонавий стратегияларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида «Ўзбекенгилсаноат» АЖ, миллий тўқимачилик маҳсулотлари экспортига йўналтирилган халқаро бозорлар, маҳаллий корхоналар, жумладан, «Nurafshon texstil» МЧЖ, «Betlis tekstil» МЧЖ, «Kumushkent ipagi» МЧЖ, «Barchinoy» тўқимачилик корхоналар фаолияти танланган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида тўқимачилик маҳсулотлари савдосида талабни шакллантириш ва сотишни рағбатлантириш тизимида маркетинг самарадорлигини ошириш билан боғлиқ иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотлар давомида иқтисодий воқелик жараёнларини ўрганишнинг илмий усуллари - диалектик ёндашув, тизимли таҳлил, синтез, рейтинг баҳолаш, шунингдек, иқтисодий усуллар - статистика, математик моделлаштириш, қиёсий таҳлил, директ-маркетинг, мерчандайзинг ва бошқа усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

тўқимачилик маҳсулотлари маркетингида миллий ва халқаро бозорлардаги талабни шакллантириш ҳамда сотишни рағбатлантиришнинг ижтимоий, иқтисодий ва ташкилий усулларига асосланган механизми таклиф этилган;

халқаро бозорларда тармоқ маҳсулотларига барқарор талабни шакллантириш ва ишончли харидорларни мақбул сегментини яратиш мақсадида «директ маркетинг» услубиёти такомиллаштирилган;

тўқимачилик маҳсулотларини сотишни янада рағбатлантириш мақсадида уларнинг истеъмол даражасини баҳоловчи мезонлар ҳамда «медиарежалаштириш» тизими такомиллаштирилган;

эконометрик тренд модели асосида тўқимачилик маҳсулотлари мақсадли халқаро бозорларини сегментлаш улушининг истиқболли ривожлантириш кўрсаткичлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

тўқимачилик маҳсулотлари савдосида талабни шакллантириш ва сотишни рағбатлантириш тизимини ривожлантиришнинг ташкилий-ҳуқуқий

асослари такомиллаштирилган ҳамда «Uztextile» халқаро маркетинг агентлиги тузилмаси таклиф этилган;

миллий тўқимачилик корхоналарининг халқаро бозорлардаги рақобатбардошлик даражасини ифодалаш учун экспорт рейтинги услуги ишлаб чиқилган;

миллий тўқимачилик маҳсулотларини халқаро бозорларга самарали йўналтиришда мультибрендинг стратегиясини жорий этиш таклиф қилинган.

Олинган натижаларнинг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги уларни таниқли иқтисодчи олимларнинг тўқимачилик тармоғи корхоналарида маркетинг стратегияларидан фойдаланиш хусусидаги илмий-назарий қарашларини қиёсий ва танқидий таҳлил қилиш, илғор хориж тажрибасини ўрганиш ва умумлаштириш, ахборотлар базасининг миллий ва халқаро нуфузли ташкилотларнинг расмий манбаларидан олинганлиги, эксперт баҳолаш натижаларига, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг статистик маълумотларига, шунингдек, бошқа амалий маълумотлар таҳлиliga асосланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот давомида эришилган илмий натижалар миллий енгил саноат тармоғларини барқарор ривожлантиришга бағишланган тўқимачилик маҳсулотлари бозорларида талабни шакллантириш ва сотувни рағбатлантиришга қаратилган маркетинг механизмларидан самарали фойдаланишни асослаш; экспорт, халқаро маркетинг ва мультибрендинг стратегияларидан самарали фойдаланган ҳолда хорижий маҳаллий ва истеъмолчиларнинг талабини қондиришга мотивациялаш орқали илмий-амалий услублар асосида тадқиқотларни амалга ошириш ва фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган илмий таклифлар ва амалий тавсиялар республикада енгил саноат тармоғи таркибидаги тўқимачилик корхоналарнинг ташқи иқтисодий фаолиятида, ушбу соҳа ходимларини малака ошириш тизимида, олий ва ўрта махсус таълим тизими ўқув жараёнини ташкил этишда ҳамда такомиллаштиришда хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тўқимачилик маҳсулотлари савдосида талабни шакллантириш ва сотишни рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган таклифлар асосида:

тўқимачилик маҳсулотлари тармоғида халқаро маркетинг тизимини самарали ривожлантириш, тармоқлараро кооперациялашувни таъминлаш мақсадида ихтисослаштирилган ташқи савдо ташкилотини ташкил этиш ҳамда мақсадли халқаро бозорларни сегментлаш улушини эконометрик тренд модели асосида прогнозлаш бўйича таклифлар «Ўзбекенгилсаноат» акциядорлик жамияти амалиётига татбиқ этилган («Ўзбекенгилсаноат» акциядорлик жамиятининг 2016 йил 30 декабрдаги БС-12-3519-сон маълумотномаси). Мазкур илмий тавсиялар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 декабрдаги «2017-2019 йилларда тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари

тўғрисида»ги ПҚ-2687-сон Қарорида инобатга олиниб, унга мувофиқ ташкил этилган «Ўзтўқимачиликэкспорт» масъулияти чекланган жамиятидаги ихтисослаштирилган ташқи савдо ташкилотининг асосий фаолият йўналишларини белгилашда фойдаланилди;

экспортёр тўқимачилик корхоналарининг «Экспорт рейтингини аниқлаш методикаси» «Ўзбекенгилсаноат» акциядорлик жамияти таркибига кирган Андижон, Бухоро ва Тошкент вилоятларидаги 15 дан ортиқ тўқимачилик корхоналарининг экспорт салоҳиятини ҳамда халқаро бозорлардаги рақобатбардошлигини баҳолашда фойдаланилган («Ўзбекенгилсаноат» акциядорлик жамиятининг 2016 йил 30 декабрдаги БС-12-3519-сон маълумотномаси). Натижада танланган корхоналарнинг 9 тасида экспорт салоҳиятининг ўсиши кузатилди;

«тўқимачилик маҳсулотлари истеъмолчилари бозори сегментларини аниқлаш» методикаси ва «Тўқимачилик маҳсулотлари истеъмол даражасини баҳолаш мезонлари» «Ўзбекенгилсаноат» акциядорлик жамияти таркибидаги 10та тўқимачилик корхоналарининг маркетинг дастурини ишлаб чиқишда жорий этилган («Ўзбекенгилсаноат» акциядорлик жамиятининг 2016 йил 30 декабрдаги БС-12-3519-сон маълумотномаси). Натижада тўқимачилик маҳсулотлари ҳажмининг ўсиши ўртача 2185 млн. сўмни ташкил этди;

«тўқимачилик маҳсулотлари истеъмолчилари бозор сегментлари», «Сотилган тўқимачилик маҳсулотларнинг истеъмол даражасини баҳолаш мезонлари»ни баҳолаш методикаси ва «мерчандайзинг» усули «Betlis tekstil» МЧЖ томонидан маҳсулотларни сотиш каналлари самарадорлигини аниқлашда қўлланилди («Betlis tekstil» МЧЖнинг 2016 йил 23 декабрдаги 24-сон маълумотномаси). Натижада аёллар ва болалар трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқариш бир ойлик ҳажмининг ўсиши ўртача 42,4 млн. сўмни ташкил этди;

«мультибрендинг стратегияси» трикотаж маҳсулотларини сотиш тизимини мустаҳкамлашда «Barchinoу» хусусий корхонаси томонидан қўлланилди («Barchinoу» ХКнинг 2016 йил 22 декабрдаги 285-сон маълумотномаси). Натижада маҳсулотлар ассортименти 10 турга кўпайтирилиб, беш ой давомида 8 та маҳсулот тури бўйича сотиш ҳажми ўртача 132,6 млн. сўмга ошди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан 2 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 28 та илмий иш, шу жумладан, 1 та монография, 1 та ўқув қўлланма, миллий ОАК эътироф этган журналларда 10 та ва нуфузли хорижий журналларда 7 та илмий мақола, шунингдек, илмий-амалий конференцияларда 9 та маъруза ва тезислар нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, урта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 156 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги асосланган, мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги келтирилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.


Диссертациянинг «**Миллий иқтисодий ривожлантиришда тўқимачилик маҳсулотлари савдоси ва маркетинг назариялари**» деб номланган дастлабки бобида Ўзбекистон тўқимачилик маҳсулотлари савдосини ташкил этишнинг илмий-назарий асослари, тўқимачилик маҳсулотлари маркетингини самарали ривожлантириш назариялари, мазкур маҳсулотлар савдосини рағбатлантиришда маркетинг тизими муаммолари, жаҳон тўқимачилик бозори тажрибаси: Туркия, Германия, Хитой, Вьетнам ва Россия бозорларининг қиёсий таҳлили баён этилган.

Иқтисодий эркинлаштириш шароитида миллий бозорни сифатли, харидорбоп истеъмол маҳсулотлари билан таъминлаш, шу орқали аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш иқтисодий ислохотларнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Ушбу вазифаларни амалга оширишда энгил саноат тизими ва унинг тўқимачилик, тикувчилик каби соҳаларида ишлаб чиқариш ва экспорт ҳажмларини ўстириш муҳим аҳамиятга эга.

Бу борада энгил саноатнинг стратегик вазифаси экспортга мўлжалланган тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш, янги бозорларни ўзлаштириш, инвестицион дастурларни амалга ошириш, янги қувватларни ишга туширишда ҳудудларнинг талабини ҳисобга олишдир.


Таҳлилларимизга кўра, сўнгги йилларда республикамиз тўқимачилик маҳсулотлари экспорти импортга нисбатан қарийб 6 барабар ортиқни ташкил этмоқда (1-расм):

Жаҳон иқтисодиётида тобора мураккаблашиб бораётган глобаллашув жараёнлари тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш марказини Европа ва АҚШдан ривожланаётган Жанубий-шарқий, Марказий Осиё ва Жанубий Америкага қўчишига олиб келди. Бу жараёнда республикамиз ҳам ўзига хос ўрин тутмоқда. Бугунги кунда миллий ва халқаро бозорлардаги вазиятни жадаллик билан ўзгартириб бораётганлиги, шунингдек, рақобат муҳитининг кескинлашиши маркетинг тизимининг дифференциялашувига ҳамда уни таъсир доирасини кенгайтирмоқда. Ушбу ўзгаришлар корхоналар амалиётида ишлаб чиқариш, савдо, истеъмол, халқаро маркетинг каби йўналишларининг аҳамиятини ортишига олиб келмоқда.



1-расм. Ўзбекистонда 2007-2016 йилларда тўқимачилик маҳсулотлари экспорти ва импорти ҳажмлари динамикаси, млн. АҚШ долл.¹

Тўқимачилик маҳсулотлари бозорида халқаро маркетингнинг стратегик мақсади маҳсулотлар экспортини оширишга имкон берувчи маркетинг воситалари мажмуини яратиб бериш ҳисобланади. Тўқимачилик саноатида халқаро маркетинг хизматини ривожланиш тенденциясига мазкур соҳада мулкчилик муносабатларидаги ўзгаришлар ҳам таъсир қилади. Тўқимачилик соҳасида хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналарда ишлаб чиқариш ҳажмларининг ошиши халқаро маркетингни ривожланишига кўмаклашади. Айтилган пайтда, тўқимачилик саноатида халқаро маркетинг тизими бозорга йўналтирилган ишлаб чиқаришни ташкил этиш, соҳанинг бозордаги мавқеини мустаҳкамлашда муҳим воситага айланиб бормоқда (2-расм).



2-расм. Тўқимачилик саноатини ривожланишида маркетинг хизматининг иқтисодий аҳамияти.²

¹ «Ўзбекенгилсаноат» АЖ маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

² Муаллиф ишланмаси асосида тузилган

Таъкидлаш жоизки, тўқимачилик саноати ривожланган мамлакатлар қаторида Туркия, Германия ва Хитой муҳим аҳамият касб этади. Мазкур мамлакатлар тажрибасидан республикамизда миллий тўқимачилик саноатини ривожлантиришда аҳамиятли жиҳатлар мавжуд.

Диссертацияда ушбу мамлакатларнинг тўқимачилик соҳасини ташкилий-тузилмавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, яъни тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар учун қулай иқтисодий ҳудудлар ташкил этиш, тўқимачилик соҳасида юқори малакага эга кадрларни тайёрлаш, тўқимачилик соҳасини молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, тўқимачилик соҳасини техникавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш тажрибаси ўрганилган. Юқоридаги ривожланган мамлакатлар тажрибасидан келиб чиқиб, республикамизда тўқимачилик саноатини янада ривожлантиришга имкон берувчи қуйидаги:

а) тўқимачилик соҳасини қўллаб қувватлашда мазкур ишлаб чиқарувчи миллий корхоналарни солиққа тортишда имтиёз бериш тизимини янада такомиллаштириш, бунда бўшаган маблағларни соҳада жиҳозларни модернизация қилишга қатъий йўналтирилишини назоратга олиш; б) тўқимачилик ишлаб чиқаришида турдош ҳисобланган тармоқларни (стандартлаштириш, синовдан ўтказиш, дизайн услубини такомиллаштириш ва ҳ.к.) ташкил этиш ва ривожлантириш бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиш; в) тўқимачилик маҳсулотлари сифатини ошириш ва таннархини оптималлаштиришда муҳим ўрин тутувчи кластерлаш тизимини кенг жорий этиш; г) замонавий, халқаро стандартлар талабларига мос тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича юқори кўникмага эга мутахассислар тайёрлаш тизимини ривожлантириш каби ҳулосаларга келинди.

Диссертациянинг «**Тўқимачилик маҳсулотлари бозорида маркетинг коммуникациялари самарадорлиги ва сотишни рағбатлантириш моделлари**» деб номланган иккинчи бобида тўқимачилик маҳсулотлари бозорида замонавий маркетинг коммуникациялари асосида талабни шакллантириш ва сотишни рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш, тўқимачилик маҳсулотларини халқаро бозорларга самарали силжитиш сиёсати ва стратегияларини шакллантириш усуллари, тўқимачилик маҳсулотларига мақсадли талабни шакллантиришда халқаро маркетинг коммуникациялари самарадорлиги, тўқимачилик тармоғи маҳсулотларини сотишни рағбатлантиришнинг эконометрик моделлари ва истиқболлаш услублари ёритилган. Ушбу масалалар ечимини топиш корхоналардан маҳсулотларга бўлган талабни шакллантириш ва сотишни рағбатлантириш бўйича алоҳида чора-тадбирлар ишлаб чиқишни тақозо этади. Шу сабабли, замонавий маркетингнинг асосий вазифаларидан бири маҳсулот турига бўлган талабни тўғри шакллантириш ва уни келгусида бир маромда сотилишини таъминлашдир. Мазкур тизимни корхоналар амалиётига жорий этиш ўзига хос маркетинг жараёни ҳисобланади (3-расм):



3-расм. Миллий ва халқаро тўқимачилик маҳсулотлари бозорларида талабни шакллантириш ва сотишни рағбатлантириш тизимини жорий этиш услуги.¹

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, айти пайтда тўқимачилик маҳсулотлари савдосини ривожлантиришда замонавий маркетингнинг истиқболли йўналишларидан ҳисобланган **медиарежалаштириш усулини** кенгрок қўллашнинг аҳамияти ошиб бормоқда.

Таҳлилларга кўра, ҳозирги кунда республикамиз корхоналарида медиарежалаштириш тизими шаклланиш жараёнини ўтамоқда. Бу ҳолатда айрим муаммоларни мавжудлини табиий ҳол ҳисобланади. Тадқиқотлар натижасида республикамизда **медиарежалаштириш** жараёни билан боғлиқ масалалар ва уларнинг ечимларини ифодаланган. Ушбу усул «Mega info promotion» услуги асосида амалга оширилиши таклиф этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 «2017-2019 йилларда тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари ҳақида»ги декабрдаги ПҚ-2687-сонли қарорида белгиланган кўрсаткичларга эришишда тўқимачилик маҳсулотларининг мақсадли халқаро бозорлардаги истиқболли ҳажмлари тенденциясини ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

¹ Муаллиф ишланмаси асосида тузилган

Шу боис, авторефератда миллий тўқимачилик маҳсулотлари экспортини 2020 йилга қадар кутиладиган ҳажмини Хитой, Россия Федерацияси, Бангладеш, Жанубий Корея ва Қозоғистон бозорлари мисолида эконометрик тренд моделини орқали аниқлаш методикасини келтирамиз. Бунда танланган халқаро бозорлар учун мавжуд маълумотлар асосида қуйидаги экспорт тренди модели тузилди:

$$Y = a_0 + a_1 \cdot t \quad (1)$$

Мазкур моделнинг ишончилиги корреляция коэффиценти (r) ва Стьюдентнинг t -мезонига асосланди (1-жадвал):

1-жадвал

Ўзбекистон тўқимачилик маҳсулотларининг мақсадли халқаро бозорларга эконометрик тренд модели.¹

№	Давлатлар	Тренд моделининг кўриниши	R^2
1.	Хитой	$EXP = -85400t + 2970649 \cdot t$ (-3,4368) (7,809)	0,89708
2.	Россия Федерацияси	$EXP = 2278267 + 4188981 \cdot t$ (0,63) (7,1879)	0,8659
3.	Бангладеш	$EX = -428304 + 1587055 \cdot t$ (-2,082) (4,787)	0,7412
4.	Жанубий Корея	$EXP = 8612507 + 1935264 \cdot t$ (2,202) (3,07)	0,7412
5.	Қозоғистон	$EXP = -192230 + 8532157 \cdot t$ (-2,6359)(7,6420)	0,8929

Юқоридаги ҳисоб-китобларни махсус дастурда ҳисоблаш орқали Ўзбекистон тўқимачилик маҳсулотларининг мақсадли халқаро бозорларга экспортининг аниқланган прогноз кўрсаткичлари қуйидаги жадвалда келтирилади (2-жадвал):

2-жадвал

Ўзбекистон тўқимачилик маҳсулотларининг мақсадли халқаро бозорларга экспорти прогнози, млн. АҚШ долларида²

№	Мамлакатлар	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2020
1.	Бангладеш	-	0,5	8,7	9,6	9,6	14,7	12,3	14,4	16,0	17,5	19,1
2.	Жанубий Корея	25,5	25,0	18,4	12,9	24,7	34,4	35,3	33,8	36,0	38,1	40,3
3.	Хитой	89,3	42,3	96,8	147,2	196,3	238,5	183,6	238,9	263,2	287,5	311,8
4.	Россия	265,4	360,2	367,9	392,5	374,6	358,8	444,7	511,3	551,4	591,6	631,7
5.	Қозоғистон	14,7	32,7	50,0	61,0	57,3	56,8	45,1	70,1	76,7	83,4	90,0

2-жадвалда республикамиз тўқимачилик маҳсулотларининг мақсадли халқаро бозорларга экспорти прогнози ҳисоб-китоблари 2020 йилда 2015

¹ Муаллиф ишланмаси асосида тузилган

² Муаллиф ишланмаси асосида тузилган

йилга нисбатан Хитойга - 69,8 фоиз, Россия Федерациясига - 42,1 фоиз, Бангладешга - 55,3 фоиз, Жанубий Кореяга - 14,2 фоиз, Қозоғистонга - 99,8 фоиз ўсиши мумкинлигини кўрсатади.

Диссертациянинг «**Миллий тўқимачилик корхоналарининг экспорт салоҳиятини ошириш ва халқаро бозорларга йўналтириш самарадорлиги**» деб номланган учинчи бобида тўқимачилик маҳсулотлари кспортини ривожлантиришнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш, миллий тўқимачилик маҳсулотларини халқаро бозорларга йўналтиришда мультибрендинг стратегияни қўллаш усуллари ёритилган. Республикамизда миллий тўқимачилик корхоналарининг халқаро бозорлардаги фаолият доирасининг кенгайиши билан бир қаторда мазкур корхоналар экспортининг ҳуқуқий механизмларини ҳам такомиллаштириш зарурати мавжуд хўжалик субъектларининг халқаро бозорлардаги самарали иштирокини таъминлайдиган ҳуқуқий ҳужжатларни ўрганиш асосида қуйидаги хулосаларга келинди:

– экспортёр тўқимачилик корхоналарига зарур молиявий-солик енгилликлари яратилган, ушбу имтиёзлар мазкур корхоналарнинг ресурс базасини ошириш, ишлаб чиқаришни модернизациялашга хизмат қилмоқда;

– анъанавий тарзда ўтказилаётган халқаро тўқимачилик ярмаркалари салоҳиятли тўқимачилик корхоналари маҳсулотларига хорижий харидорлар ва ҳамкорларни топишга кўмаклашмоқда;

– экспорт операцияларини «бир дарча» тамойили бўйича амалга ошириш механизмини ҳудудлардаги кўпгина тўқимачилик корхоналарига янги халқаро бозорларга муваффақиятли кириб боришга имкон бермоқда.

Шу билан бирга, республикамизда фаолият кўрсатаётган тўқимачилик корхоналарининг салоҳиятини кенгроқ намоён қилишда олиб борилаётган ишларни янада жадаллаштириш борасида хориж тажрибасидан кенгроқ фойдаланилмаётган жиҳатлар мавжуд. Халқаро бозорларда фаол иштирок этаётган корхоналарга экспорт рейтингини аниқлаш механизми жорий этилган бўлиб, мазкур рейтингни эълон қилиб борилиши салоҳиятли хорижий инвесторлар учун жозибадор корхоналарни аниқлашда муҳим кўмак бермоқда. Мамлакатимизда айнан тўқимачилик маҳсулотларининг ташқи бозорларга кириб боришини таъминлаш вазифаси «Ўзбекенгилсаноат» акциядорлик жамияти ҳузуридаги тўқимачилик маҳсулотлари рекламаси ва маркетинги агентлигига юклатилган. Ушбу агентлик томонидан халқаро тўқимачилик бозорларидаги илмий-амалий тадқиқотлар, аналитик таҳлиллар олиб бораётган халқаро институтлар билан мустаҳкам ҳамкорлик алоқалари олиб борилмоқда. Аммо, тадқиқотлар жараёнида агентлик фаолиятини яқиндан ўрганиш республикамиздаги тўқимачилик корхоналари кенг аудиторияси учун мўлжалланган қуйидаги йўналишларда суи ишлар олиб борилаётганлигини кўрсатади:


– ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар тўқимачилик бозорларида қўлланилаётган маркетинг стратегиялари таҳлили, уларни Ўзбекистон бозорида қўлланилиши имкониятлари;

– мақсадли халқаро бозорларда сотиш сегментини кенг эгаллаган тўқимачилик компаниялари фаолиятидаги ўзгаришлар шарҳи;

– миллий экспортёр тўқимачилик корхоналарининг рақобатбардошлик кўрсаткичлари, халқаро бозорлардаги иштироқи таҳлили ва ҳ.к.

Ушбу муаммоларни ҳал этишда «Миллий тўқимачилик корхоналарининг экспорт рейтингини аниқлаш тартиби тўғрисидаги» Низом ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Шунингдек, юқорида баён этилган халқаро маркетинг тизимини самарали қўлланишини ҳамда «Ўзбекенгилсаноат» АЖ қошида ташкил этилган «Ўзтўқимачиэкспорт» МЧЖ фаолияти тармоқлараро кооперациясини таъминлаш мақсадида «Uztextil» халқаро маркетинг агентлиги тузилмаси таклиф этилди (4-расм):



4-расм. Экспортёр тўқимачилик корхоналари экспорт салоҳиятини баҳолашнинг таклиф этилаётган тармоқ архитектураси¹

¹ Муаллиф ишланмаси асосида тузилган

Ушбу Низом экспорт рейтингини ифодаловчи асосий кўрсаткичлар тавсифи, рейтингни аниқлашга нисбатан талабларни акс эттириши лозим. Халқаро маркетинг амалиётида экспорт рейтингини аниқлаш муаяйн мамлакатга ёки корхоналарга нисбатан қўлланилади. Микродаражада экспорт рейтингини аниқлашни корхоналар миқёсида амалга ошириш ҳам муҳим ижобий натижалар яън корхонанинг экспорт сифими ва салоҳиятини баҳолаш, корхонанинг инвестициявий жозибадорлигини аниқлаш, янги халқаро бозорларга чиқиш имкониятларини аниқлаш ва ҳ.к.

Экспорт рейтингини аниқлаш методикасини ишлаб чиқишда экспорт ҳажмининг ўсиши (баллар – фарқ (ўсиш ёки камайиш) фоизига тенг миқдорда), экспорт ва ишлаб чиқариш ҳажми ўзгариши мутаносиблиги (баллар – фарқ (ўсиш ёки камайиш) фоизига тенг миқдорида, жами ходимлар таркибида маркетинг хизмати ходимларининг улуши (маркетинг ходимларининг улуши миқдорида), ишлаб чиқаришнинг янгиланиш даражаси (баллар - янгиланиш фоизи миқдорида), халқаро сифат менежменти сертификатининг мавжудлиги (ISO мавжудлиги 10 балл, UzSMT мавжудлиги 5 балл миқдорида), тўқимачилик корхонасининг интернет тармоғида расмий саҳифасининг мавжудлиги (расмий саҳифа ахборотларнинг тўлиқлиги, янгиланиб туриш даврийлигидан келиб чиқиб 5 баллгача) каби кўрсаткичлардан фойдаланишни тавсия этамиз.

Тўқимачилик корхоналарининг экспорт рейтингини эришилган баллардан келиб чиқиб, қуйидаги тоифаларга ажратиш таклиф этилган: **0-30 баллгача** - «Қониқарсиз», **31-50 баллгача** - «Ўрта», **51-100 баллгача** – «Яхши», **101 баллдан юқори** – «Юқори». Ушбу таклиф асосида бир нечта тўқимачилик корхоналари экспорт рейтинги ҳисобланганида қуйидаги натижага эга бўлди (3-жадвал):

3-жадвал

Тўқимачилик корхоналари экспорт рейтинги таҳлили¹

№	Корхоналар номи	Экспорт ҳажмининг ўсиши, %да**	Экспорт ҳажми ишлаб чиқариш ҳажми ўзгаришига мутаносиблиги, %да**	Жами ходимлар таркибида маркетинг ходимларининг улуши, %да*	Ишлаб чиқаришнинг янгиланиши, %да**	Халқаро сифат менежменти сертификатининг мавжудлиги, баллда	Интернет сайтнинг мавжудлиги, баллда	Жами баллар
1	2	3	4	5	6	7	8	9
1.	«Барчиной» ХК	3,3	18,6	6,4	56,0	10	5	99,3
2.	«Пеикутекс» МЧЖ ҚҚ	17,6	20,5	14,2	40,0	10	5	107,2
3.	«Алким Текстил» МЧЖ	9,7	21,6	16,4	9,8	5	5	67,5
4.	«А.Ақбарали» ХК	45,8	46,4	5,4	13,0	5	5	120,7
5.	«Мергантекс» МЧЖ	9,7	-6,4	2,2	25,0	5	3	40,5
6.	«Кувваттекстил» МЧЖ	42,7	-41,7	16,3	88,0	5	5	115,3
7.	«Техёжен» МЧЖ	14,8	11,3	10,9	0,0	5	5	47,0
8.	«Грандташтекс» МЧЖ	76,9	-17,5	3,1	50,0	5	5	122,5
9.	«Апитекс» МЧЖ	0,3	0,4	16,9	7,0	5	5	34,6
10.	«Асакатекстил» МЧЖ	1,6	-12,0	5,0	8,9	10	2	18,5


*-жадвалнинг 4-устунидаги ҳисоб-китобларнинг «мусбат» натижалар экспорт ҳажми ўзгаришини ишлаб чиқариш ҳажми ўзгаришидан ошганлигини, «манфий» натижалар эса камайганлигини ифодалайди;

¹ «Ўзбекенгилсаноат» АЖ маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

** -мазкур устунларнинг баллари ҳисобланган натижаларга мутаносиб белгиланади.

Халқаро ва миллий бозорлардаги кескин рақобат муҳити тўқимачилик маҳсулотлари сотувчилардан бозордаги вазиятни ҳисобга олган ҳолда мақбул маркетинг стратегияларини қўллашни талаб этади. Танланган стратегиялар рақобат муҳитига тез мослаша оладиган, кенг истеъмолчилар аудиториясини жалб этиш имконини берадиган хусусиятларга эга бўлиши лозим. Айти пайтда, хорижий компанияларнинг маркетинг амалиётида маҳсулотларни бренд маркетинги стратегияларига кенг эътибор қаратилмоқда.

Тадқиқотларимизни кўрсатишича, ҳозирги кунда озиқ-овқат, маиший хизмат кўрсатиш соҳаларида муайян маҳсулот сотиш бозорини кенгайтиришда *мультибрендинг стратегия*дан фойдаланиш кўлами кенгайиб бормоқда (5-расм):



5-расм. Ўзбекистон экспортёр тўқимачилик корхоналари томонидан халқаро бозорларда мультибрендинг стратегиясини қўллаш модели¹

¹ Муаллиф ишланмаси асосида тузилган

Мультибрендинг стратегиясида товарлар ҳаракатининг тезлиги, кучли ассортимент стратегияси юритилиши сабабли, уни қўллашда тўқимачилик корхонаси ҳаракатланаётган ва янги мақсадли бозорларда стратегияни қўллашнинг ўзига хос томонларга эга. Бу масалаларни Ўзбекистон экспорт маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи тўқимачилик корхоналари томонидан халқаро бозорларда мультибрендинг стратегиясини қўллаш модели таклифи келтирилган.

Экспортчи тўқимачилик корхоналарига танланган ва мақсадли бозорларга мультибрендинг стратегиясини жорий этишда асосан учта – мослашиш (adaptation), кенгайтириш (expansion) ва ҳаракатлантириш (promotion) тадбирлари дастурини ишлаб чиқиш тавсия этилади. Экспортер тўқимачилик корхоналари томонидан сотиш бозорларида мультибрендинг стратегиясини қўллаш маҳсулотлар ассортиментини кўпайтириш, мақбул сегментлар сонини ошириш имконини беради.

ХУЛОСАЛАР

Мамлакатимизда тўқимачилик корхоналари маҳсулотларига нисбатан талабни шакллантириш ҳамда уларни мақсадли халқаро бозорларда сотилишини рағбатлантириш методологиясини такомиллаштириш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулоса ва таклифлар берилади:

1. Ўзбекистонда тўқимачилик тармоғини истиқболли ривожлантириш ва экспортёр корхоналарнинг жаҳон бозорида мустаҳкам ўрин эгаллашида мазкур тармоқнинг ҳудудий мутаносиб жойлашувини таъминлаш зарур. Таҳлилларга кўра, тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришда Фарғона вилояти (13%), Тошкент шаҳри (10,1%), Андижон вилояти (10,3%) етакчилик қилмоқда. Бизнингча, республикаимизда пахта хом ашёси етиштириш кўрсаткичларидан келиб чиқиб, Навоий, Жиззах, Наманган, Сурхондарё каби ҳудудларда ҳам тўқимачилик ишлаб чиқаришини ривожлантириш лозим.

2. Туркия, Германия, Хитой, Вьетнам ва Россия каби давлатлар тўқимачилик саноати эволюциясида маҳаллий ресурслар, ишлаб чиқаришни янгиланиши, иқтисодий-молиявий имтиёزلарни жорий этилиши каби омиллар қаторида юқори малакали мутахассислар тажрибаси, тезкор инновацион ғояларнинг ишлаб чиқилиши, яъни маркетинг имкониятларидан фойдаланишнинг ўрни юқори бўлган. Бунда маркетинг миллий ишлаб чиқаришни халқаро бозор стандартларига мослаштириш, тўқимачилик маҳсулотлари бўйича «ноу-хау»ларни ўзлаштириш, хорижий компаниялар билан тажриба алмашиш, экспорт географиясини кенгайтириш имкониятини берган. Ишда миллий ва халқаро маркетингнинг ўзаро муносабати шу нуқтаи-назардан тадқиқ этилган.

3. Потенциал истеъмолчилар гуруҳи билан ишлашда унумсиз харажатларнинг олдини олиш маркетинг хизматининг устувор вазибаларидан биридир. Албатта, бундай пухта ишланган механизмни топиш мураккаб ҳисобланади. Ишда тўқимачилик маҳсулотлари савдосини ривожлантириш мақсадида таклиф қилинган «медиарежалаштириш» концепцияси мақсадли аудиторияга ижобий таъсир этиш усулларини ўз ичига олган.

4. Тўқимачилик маҳсулотларини тарқатишда сотиш жараёни ва харидорлар муносабатларини ўзаро мувофиқлаштириш механизмларини такомиллаштириш долзарб масалалардан ҳисобланади. Диссертацияда таклиф этилган «мерчандайзинг» тизими товар ҳаракатини тезлаштириш, товар белгисини ёрқин намоён этиш, товарни ўраш жараёнига талабларни жорий этиш, маркетинг назоратини кучайтиришни назарда тутди.

5. Реклама истеъмолчиларга сотувдаги товарларнинг муҳим хусусиятлари бўйича зарур маълумотлар бериш ҳамда истеъмолчиларнинг қизиқишини орттиришга кўмаклашувчи коммуникация воситаси ҳисобланади. Шу жиҳатдан, тадқиқотда тўқимачилик маҳсулотлари савдоси билан боғлиқ рекламаларнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлашнинг модификациялаштирилган услубиёти таклиф этилган.

6. Экспортёр тўқимачилик корхоналарни халқаро даражада танитиш мақсадида уларнинг экспорт рейтингини аниқлаш механизмини жорий этиш мақсадга мувофиқдир. Шу сабабли, «Миллий тўқимачилик корхоналарининг экспорт рейтингини аниқлаш тартиби тўғрисидаги» Низомни ишлаб чиқиш айти муддао ҳисобланади. Ишда йигирмадан ортиқ миллий экспортёр тўқимачилик корхоналари маълумотлари асосида уларнинг халқаро бозорлардаги рақобатбардошлик даражасини ифодалайдиган экспорт рейтингини аниқлаш методикаси ишлаб чиқилган. Шунингдек, халқаро маркетинг тизимини самарали қўлланишини ҳамда «Ўзбекенгилсаноат» АЖ қошида ташкил этилган «Ўзтўқимачиэкспорт» МЧЖ фаолияти тармоқлараро кооперациясини таъминлаш мақсадида «Uztextile» халқаро маркетинг агентлиги тузилмаси таклиф этилди.

7. Тўқимачилик маҳсулотлари ассортиментининг кенглиги мазкур маҳсулотларни сотишни ҳаракатлантиришда самарали маркетинг стратегияларини қўллашни талаб этади. Шу жиҳатдан, диссертацияда тўқимачилик маҳсулотларини халқаро бозорларга самарали йўналтириш имкониятини яратадиган мультибрендинг стратегияси ишлаб чиқилган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.I.16.01
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ
БАНКОВСКО-ФИНАНСОВОЙ АКАДЕМИИ РЕСПУБЛИКИ
УЗБЕКИСТАН**

**ТАШКЕНТСКИЙ ИНСТИТУТ ТЕКСТИЛЬНОЙ И ЛЕГКОЙ
ПРОМЫШЛЕННОСТИ**

МУМИНОВА НАРГИЗА МАХСУДЖОНОВНА

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ СИСТЕМЫ ФОРМИРОВАНИЯ
СПРОСА И СТИМУЛИРОВАНИЯ СБЫТА В ТОРГОВЛЕ
ТЕКСТИЛЬНОЙ ПРОДУКЦИИ**

08.00.11 – Маркетинг

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ЭКОНОМИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент-2017

Тема диссертации доктора философии (PhD) по экономическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В.2017.1.PhD/Iqt.3.

Диссертация выполнена в Ташкентском институте текстильной и легкой промышленности.

Автореферат диссертации на двух языках (узбекский, русский) размещен на веб - сайте аттестационной комиссии (www.bfa.uz) и образовательной сети «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель: **Хашимов Акром Абдиевич**
доктор экономических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Болтабаев Махмуд Рустамович**
доктор экономических наук, профессор

Эргашходжаева Шахноза Джасуровна
Доктор экономических наук, профессор

Ведущая организация: **Ташкентский финансовый институт**

Защита диссертации состоится «__» _____ 2017 года в ____ часов на заседании Научного совета _____ при Финансово-банковской академии Республики Узбекистан. (Адрес:100000, улица Мовароуннахр, дом 16, e-mail: info@bfa.uz.)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Финансово-банковской академии Республики Узбекистан. (зарегистрирована под номером ____). (Адрес:100000, улица Мовароуннахр, дом 16, e-mail: info@bfa.uz.)

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2017 года.
(протокол реестра __ от «__» _____ 2017 года.)

А.Ш.Бекмуродов
Председатель Научного совета по
присуждению ученых степеней, д.э.н.,
профессор

У.В.Гафуров
Ученый секретарь Научного совета по
присуждению ученых степеней, д.э.н., доцент

Н.Х.Хайдаров
Председатель Научного семинара при научном
совете по присуждению ученых степеней,
д.э.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В условиях углубления процесса глобализации и диверсификации во всем мире все более повышается роль экспорта полуфабрикатов и готовой текстильной продукции в качестве стратегического и экономического ресурса. Если говорить в общем, производство и экспорт текстильной продукции, в частности, динамика экспорта на мировом рынке пряжи, изготовленной из хлопкового волокна, имеет положительную тенденцию. За последние годы на мировом рынке доля экспорта ведущих государств составляет, в частности, Китая–24 процентов, США–19 процентов, Индии–13 процентов, Пакистана –8 процентов, Узбекистана–5 процентов, Африканских государств–5 процентов, Турции–4 процента, Бразилии–4 процента, Австралии–3 процента, Греции–2 процента¹.

Учитывая масштабы реформ, осуществляемые в рамках отрасли, в стране в настоящее время внедряют ежегодные планы по повышению объема производства текстильной продукции. «Весь процесс производства- от переработки сырья до превращения её в готовую продукцию –то есть, производственный цикл должен быть прогнозирован учитывая целесобразность истраченных расходов и обоснованность их окупаемости»². В частности, имеет немаловажное значение и то, что согласно целевым прогнозам развития текстильной и легкой промышленности на 2014-2020 гг. объем производства продукции до конца данного периода должен составить около **6,9 трлн. сумов**, при этом объем производства пряжи должен увеличиться в **2,5 раз**, объем производства ткани – в **2,8 раз**, производство шелковой ткани – в **2,7 раз**, объем производства нетканного полотна – в **1,5 раз**, а объем производства трикотажных изделий – в **2,7 раз**³.

На сегодняшний день в мировой экономике очень важно проводить маркетинговые исследования в торговле текстильной продукцией, а также, формировать приемлемую систему продаж текстильной продукции, разработать международную маркетинговую концепцию, разработать маркетинговую стратегию, оценить конкурентную среду, повысить эффективность международного маркетинга в развитии торговли текстильной продукцией, в частности, формирование спроса на текстильную продукцию и усовершенствование системы стимулирования продаж. Вышеуказанное определило актуальность темы диссертационного исследования.

Правовыми основами актуальности проблем, изложенных в настоящем исследовании, считается выполнение задач, определенных в Постановлении за № ПП-2687 от 21 декабря 2016 года «О Программе мер по дальнейшему развитию текстильной и швейно-трикотажной промышленности на 2017-

¹ <http://www.trustedclothes.com>

² «Народное слово», 17 январь 2016 года.

³ Данные официального сайта www.engilsanoat.uz.

2019 годы»¹, Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах², 7 апреля 2011 год «Соглашение о сотрудничестве и партнерстве между Республикой Узбекистан и Европейским Союзом», «Протокол текстильного производства»³ и другие нормативно-правовые акты, касающихся данной сферы.

Соответствие исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики. Настоящее исследование выполнено в соответствии с важнейшими направлениями развития науки и технологий в республике 1.«Духовно-нравственное, а также культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики», в рамках проекта ИДТ-2 «Разработка научных основ углубления демократических реформ, формирования гражданского общества, модернизации и либерализации национальной экономики».

Степень изученности проблемы. В сфере исследования настоящей темы имеются труды ученых и специалистов нашей родины и зарубежных стран, по теоретическим и методологическим основам маркетинга, а также научные произведения, посвященные проблемам классического, международного и регионального маркетинга. Ряд теоретических и практических особенностей организации маркетинговых механизмов в стимулировании продаж продукции нашли свое отражение в научных трудах таких зарубежных ученых–экономистов, как П.Диксон, Г.Бребах, Ф.Котлер, Ж.Ламбен, Ж.Ландвери, Ж.Леви, Д.Линдон, М.Мескон, М.Алберт, Ф.Хедоури, российских экономистов: Г.Астратова, Л.Багиев, Н.Моисеева, П.Завьялов, В.Еремин, Е.Кнышова, Н.Коменева, А.Матганцев, В.Маркова, Т.Маслова, С.Божук, Л.Ковалик, В.Морозов, Р.Ноздрёва, Г.Крылова, М.Соколова, Е.Пешкова, Б.Соловьев, О.Третьяк.

А также отдельные стороны и способы решения проблем, имеющих в этой сфере, нашли свое отражение в научных трудах таких ученых–экономистов нашей страны, как Р.Абдуллаев, З.Адылова, Д.Ахмедов, А.Бекмуродов, М.Болтабоев, Ж.Жалолов, И.Хотамов, Т.Акромов, Д.Мухитдинов, А.Солиев, М.Қосимова.

В частности, этапы развития хлопководческой отрасли в Узбекистане, экспортного потенциала хлопкового волокна и экспортной текстильной продукции, роль и значение их на международных рынках нашли свое отражение в научных трудах ученых–экономистов страны, таких как Д.Ахмедов, Р.Абдуллаев, М.Болтабаев, З.Адилова. В частности в трудах Д.Ахмедова рассмотрены макро и микропроблемы производства хлопкового волокна в Узбекистане, в научных исследованиях Р.Абдуллаева определены основные направления формирования рыночной инфраструктуры хлопкового волокна и расширения его экспорта. Если в исследовательской работе

¹ «Народное слово», 22 декабря 2016 года.

² «Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах» И: «Сборник нормативных документов Республики Узбекистан» №6, 13 февраля 2017 года

³ <http://mfa.uz/uz/press/news/2017/07/11522/>

М.Болтабаева были глубоко проанализированы вопросы управления процессами производства текстильной продукции относительно национальной маркетинговой концепции, то в научных трудах З.Адиловой изложены способы предотвращения имеющихся в сфере недостатков через разработку концепции и стратегии международного маркетинга, а также определены место и роль текстильной продукции на мировом рынке.

